

Қадр кечасининг аломатлари



07:30 / 08 апрель 6485

Биринчи аломат:

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлишича, қадр кечасининг аломати «Қуёш тонгдан нурсиз бўлиб чиқишидир».

Имом Муслим ривояти.

Иккинчи аломати:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечаси ярқираган, иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, ўша кунги Қуёш чиқиши кучсиз қизил бўлади», дедилар.

Ибн Хузайма ривояти.

Учинчи аломати:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечаси порлоқ кеча бўлиб, иссиқ ҳам совуқ ҳам бўлмайди. У кечада юлдузлар учмайди», дедилар.

Табароний ривояти.